

Гаровдаги мулкка бўлган талабларнинг қондирилиш схемаси



Ўзбекистон Республикаси гаров реестри



Транспорт воситалари



Кўчмас мулк



Айланмадаги пул маблағлари ва товарлар



Мулкий(талаб қилиш) ҳуқуқлари



Товар-моддий қимматликлар



Қимматли қоғозлар



Депозит



Асбоб-ускуналар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги
 “Гаров реестри” давлат унитар корхонаси
 манзил: Тошкент ш. Ислом Каримов кўчаси, 6-уй
 тел: (+99871) 256-25-32, 212-60-03, E-mail: admin@garov.uz
www.garov.uz

Ўзбекистон Республикасининг гаров реестри



Гаров реестри – қарздорларнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйган, шунингдек ундирувга қаратилган мол-мулклар ҳамда ушбу мулкларга кредиторларнинг устувор ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотлар базасидир.

Гаров реестрига ёзувни киритиш вақти ва санаси кредиторнинг қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда бошқа кредиторлар ва учинчи шахслардан олдин ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга, бошқа талабларни қаноатлантиришга бўлган навбатини, имтиёзли ҳуқуқини аниқлаш учун асос бўлади.

Мол-мулкларни сотиб олиш ёки гаровга олишдан олдин, ушбу мол-мулк тўғрисида гаров реестридан маълумот олишингиз, Сиз учун фойдадан ҳоли эмас.

Гаров реестри иштирокчилари:

Кредитор

қарздордан ўзининг мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш, мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда эса мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйилган қарздорнинг мол-мулки ҳисобига ўз талабларининг имтиёзли равишда қаноатлантирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.


Қарздор

кредитор фойдасига мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пулни тўлаш ёки бузилиши кредиторнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида қарздор бериб қўйган мол-мулкка ундирувни қаратишга бўлган имтиёзли ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган бошқа мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ҳаракатни содир этиши шарт бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

Фойдаланувчи

гаров реестрини юритувчи ташкилот билан тузилган шартнома асосида гаров реестрига ёзув киритиш ҳуқуқига эга бўлган кредитор, қарздор сифатида қатнашаётган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек қонунга мувофиқ мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишни чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган тергов ҳамда суриштирув органлари, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари.

Гаров реестридан бепул кўчирма олиш



Гаров реестрига ёзув киритиш

Гаров реестрига ёзув киритиш фойдаланувчилар томонидан электрон шаклда амалга оширилади .

Киритилган ёзув уни киритиш вақти ва санаси кўрсатилган ҳамда унга ягона рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда автоматик равишда гаров реестрида қайд этилади .

Гаров реестридаги ёзув рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб гаров реестридан чиқариб ташлангунга қадар амал қилади. Қўшимча мол-мулк ёхуд қарздор бўйича киритилган ўзгартиришлар, фақат тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейин юзага келадиган муносабатларга нисбатан ўз кучини татбиқ этади .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-сон қарори билан тасдиқланган "Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 18-бандига мувофиқ, гаров ва бошқа турдаги таъминотлар, шунингдек уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича битта шартнома бўйича битта ёзув киритилиши мумкин.



Гаров реестридан фойдаланиш


Исталган юридик ва жисмоний шахслар гаров реестридан интернет ахборот тармоғи (garov.uz) орқали кечаю-кундуз исталган вақтда фойдаланишлари мумкин .

Гаров реестридан ёзувларни излашга чекловларсиз барча шахслар ҳақлидир .

Излаш натижаларига кўра гаров реестридан кўчирма олиш ва гаров реестрининг бошқа функцияларидан фойдаланиш фойдаланувчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади .

Гаров реестрида рўйхатдан ўтиш учун www.garov.uz сайтида рўйхатдан ўтиш функциясидан фойдаланган ҳолда шахсий кабинетга эга бўлиш учун ариза берилади .

Гаров реестри www.garov.uz сайтидан рўйхатдан ўтиш



Гаров реестри базасидан ёзувларни излаш

Гаров реестри базасига кириб, мол-мулкни гаровга берилганлиги ёки унга ундирув қаратилганлиги тўғрисидаги мавжуд маълумотларни қуйидаги усуллар орқали излаш ва олиш мумкин:

Ёзувларни мулк эгасининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) орқали;

Ёзувларни мулк эгасининг солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) орқали;

Ёзувнинг ноёб (уникал) рўйхатдан ўтказиш рақами орқали;

Ёзувларни кўчмас мулкнинг кадастр рақами орқали;

Ёзувларни автотототранспорт воситаларининг кузов рақами орқали излаш ва олиш мумкин.

Гаров реестри сайтида рўйхатдан ўтиш учун оферта тузиш



Гаров реестрига киритиладиган ёзув

Мажбуриятларни таъминлаш (гаров) воситаси сифатида қарздорлар бериб қўйган мол-мулкка нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари, шунингдек,

- ушлаб қолиш;
- лизинг;
- товарга бўлган мулк ҳуқуқини товарнинг ҳақи тўлангунга қадар сотувчида (кредиторда) сақлаб қолган ҳолда уни сотиш;
- келажакда муайян ҳодиса юз берган тақдирда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш;
- тўловни кечиктирган ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда товарларни олиш-сотишдан юзага келадиган ҳуқуқлар тўғрисидаги;

ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қарори тўғрисидаги;

қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (сервитут, мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисидаги;

қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларини тўлаш тўғрисидаги талаблар тўғрисидаги;

қарздорнинг таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда юзага келадиган бошқа талаблар тўғрисидаги ёзув киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2014 йил 12 июндаги 155-сон қарорига мувофиқ:

гаров реестрига ёзув киритилганлиги учун жисмоний ва юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдоридан .

гаров реестридан кўчирмалар берилганлиги учун жисмоний ва юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш фоизи миқдоридан тўлов ундирилади .

тергов ва дастлабки тергов органлари, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари томонидан гаров реестрига ёзувлар киритиш, шунингдек уларга гаров реестридан кўчирмалар бериш бепул асосда амалга оширилади .

Гаров реестридан сертификатланган пулли кўчирма олиш

| ВЫПИСКА ИЗ ЗАЛОГОВОГО РЕЕСТРА № 2116I216G0J1151707 | |
|---|---|
| 1 | Наименования пользователя, осуществляющего поиск информации в залоговом реестре |
| 2 | ИНН пользователя осуществляющего поиск |
| 3 | Дата и время поиска |
| 4 | Условие поиска |
| 5 | Результат поиска |
| 6 | Уникальный регистрационный номер записи выявленных в результате поиска |
| <p>ПО ЗАПИСИ № 421216747070</p> | |
| 1 | Уникальный регистрационный номер записи |
| 2 | Дата и время внесения записи в залоговый реестр |
| 3 | Изменения в записи |
| 4 | Наименования пользователя внесшего запись |
| 5 | ИНН пользователя внесшего запись |
| 6 | Возражения должника |
| 7 | Наименования кредитора |
| 8 | ИНН кредитора |
| 9 | Контактные данные кредитора |
| 10 | Наименования должника |
| 11 | ИНН должника |
| 12 | Группа имущества |
| 13 | Каталоговый номер |
| 14 | Предварительная стоимость |
| 15 | Описание имущества |

ГУП "Залоговый реестр" настоящим подтверждает, что следующие записи являются действующими записями, внесенными в залоговый реестр в указанные выше дату и время. ГУП "Залоговый реестр" выполняет лишь административные функции. Зафиксированная в залоговом реестре запись не означает каких-либо обязательств ГУП "Залоговый реестр" в отношении достаточности, правильности, подлинности или действительности информации, включенной в запись.

Директор ГУП "Залоговый реестр"  Маматов А. А.

Ўзбекистон Республикаси гаров реестри:

- ҳар қандай турдаги мол-мулкларни гаров муносабатларида қўлланилишида кредиторларнинг гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади;
- иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг жадал кириб келишига кенг йўл очади;
- кредит бериш муддати ва харажатларини қисқартиришга замин яратади;
- аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш имкониятларини оширади;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш соддалашади ҳамда уларнинг молиявий маблағларга бўлган талаблари қондирилади;
- қарз олувчилар, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг молиявий интизомини тартибга солади ва кучайтиради;
- гаров таъминоти ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қондириш осонлашади.

Гаров реестри сайтида рўйхатдан ўтиш учун ариза тўлдириш

Шахсий кабинет очиш учун ариза

Субъект тури:

Кураторлик референтлари

Исми:

Ташкилий-қўриқчи аъзо: Ташкилий-қўриқчи аъзо: Мулкчилик аъзо: Асосий аъзолик тури:

Сўра: ИСО: Хисоб рақами:

Телефон рақами: Email: Ширкат:

Административное авторизация квалитетлари

Даржа: Телефон рақами: Email: СТИР:

Личный идентификация:

Фамилия: ИСО: Шаҳар:

Исми:

Гаров реестрини ташқи манбаларга интеграцияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сонли “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан

Гаров реестри базаси:

1. Адлия вазирлигининг “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига;

2. Ички ишлар вазирлигининг “Автомототранспорт воситаларини рўйхатга олиш” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига;

3. Кадастр агентлигининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестри” тизимига интеграция қилинган;

4. “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига тузилган гаров шартномасига асосан тақиқ қўйиш ва ечиш ҳамда мол-мулк ҳолати яъни тақиқ бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумот олиш;

5. “Автомототранспорт воситаларини рўйхатга олиш” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига тузилган гаров шартномасига асосан тақиқ қўйиш ва ечиш ҳамда мол-мулк тўғрисида маълумот олиш;

6. “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестри” тизимидан мол-мулк ҳолати яъни тақиқ бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилган.

Гаров реестрига ёзув киритиш шартлари

Кредитор сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан ёзув киритиш қарздорнинг розилиги билан амалга оширилади. Қарздорнинг розилиги қарздорнинг идентификация маълумотлари, шунингдек кредиторнинг қайси мол-мулкка ҳуқуқи бўлса, ўша мол-мулк кўрсатилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштирилади.

Қарздорнинг ёзма розилиги гаров реестридан ёзув чиқариб ташлангунга қадар кредиторда сақланиши лозим.

Суднинг ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори тўғрисида ёзув киритиш кредитор томонидан қарздорнинг розилигисиз амалга оширилади.

Қарздорнинг зиммасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар бўлган тақдирда, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади.

Тергов ва суриштирув органлари қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилган тақдирда, қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади.

Гаров реестри фойдаланувчиларининг мажбуриятлари

Фойдаланувчилар

- гаров реестрига холис ва ишончли маълумотлар кўрсатилган ёзувлар киритишини;

- гаров реестрига ўзлари киритган ёзувлар мунтазам равишда янгиланиб турилишини таъминлашлари шарт.

Ёзувда маълумотлар хато кўрсатилган тақдирда, кредитор гаров реестрига ёзув киритиш бўйича берилган имтиёزلардан фойдалана олмаслиги мумкин.

Шахсий кабинет орқали ёзувларни излаш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ГАРОВ РЕЕСТРИ

Ёзувни излаш

ёзувнинг уникал регистрацya рақами
 Қардор СТИРи
 мулк
 Кўчмас мулк ёки унга бириктирилган мулк
 Автомобилтранспорт воситалари ва уларга бириктирилган мулк

Кадастр рақами * 17:09:07 01:03:0591

Топилган ёзувлар: 1

| № | Ёзув рақами | Қардор |
|---|--------------|--------------------------------------|
| 1 | 421216747198 | Abdushukur Mamarajonov Axmadjonovich |

Ёзувга ўзгартириш киритиш ва чиқариб ташлаш

Гаров реестридаги ёзувга ўзгартириш мазкур ёзувни киритган фойдаланувчи томонидан қарздорнинг мол-мулки алмаштирилган ёхуд мол-мулки таркибида ўзгаришлар бўлган ёки қарздорнинг ўзи алмаштирилган, шунингдек суд қарори қонуний кучга кирган ҳолларда киритилади.

Гаров реестридан ёзувни чиқариб ташлаш мазкур ёзувни киритган фойдаланувчи томонидан кредиторнинг қарздор мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинган, мажбуриятлар бажарилган тақдирда амалга оширилади.

Фойдаланувчи ёзувга ўзгартиришларни ўз вақтида киритиши, шунингдек, гаров муносабатлари бекор бўлганда ёзувни гаров реестридан чиқариб ташлаши лозим.

Гаров реестри сайтида фойдаланувчини активлаштириш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ГАРОВ РЕЕСТРИ

Шахсий кабинет

Логин: ALOQBANK_ADM

Парол

Рўйхатдан ўтиш: Фойдаланувчи шахсий кабинет оғиш учун аржа юбориш

Активлаштириш кодига киритиш: Рўйхатдан ўтиш қаровини тўлиқдан ўчириш активлаштириш кодига киритиш

Паролни титлаш: Агар Сиз паролни эсдан чиқирган бўсан, бу ёқда янги паролга эга бўлишига ҳаракат қилиш.

Активлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мақромолаштириш қизматлар оммабоплиғини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" (2019 йил 23 июлдаги ҚК-4400) Қарори

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2019 йил 22 октябрдаги УРК-572)

Ўзбекистон Республикасининг "Кредиторларнинг ҳудудий комиссияси ўраштериси ва тадбиркорлик фаолиятини моликллаштириш механизмиларини таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 23 ноябрдаги ҚК-4020-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2014 йил 12 июлдаги 155-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида 2018 йил 29 декабрдаги 1058-сонли қарори

Гаров реестри тўғрисидаги Қонун

Барчаси >

Гаров реестрига оид қонунчиликдаги ўзгаришлар:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги ЎРҚ-572-сонли “Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ куйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган .

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 259¹-моддасида кредиторларнинг талабини қаноатлантириш навбати улар томонидан гаров реестрига тегишли мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни киритишнинг хронологик тартибига (вақти ва санасига) мувофиқ аниқланиши, бунда кредиторларнинг ҳар бир кейинги навбатдаги талаблари олдинги навбатдаги кредиторларнинг талабларидан сўнг қаноатлантирилиши белгиланган .

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддасига мувофиқ мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи гаров реестрига бир кун ичида тегишли ёзувни киритиши, мол-мулкни хатлаш ҳақида суд ажрими чиқарилгандан кейин эса қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли бўлган органлар томонидан уч сутка ичида шундай ёзув киритиши лозим .

3. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 348-моддасига асосан тўловчи томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзи белгиланган муддат ичида тўланмаган тақдирда, божхона органи ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратиладиган миқдордаги божхона тўловлари бўйича қарзнинг суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритиши, шунингдек, ёзув божхона тўловлари бўйича қарз тўлиқ қопланганидан ёки ҳисобдан чиқарилганидан кейин гаров реестридан ўчирилиши белгиланган .

4. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ мол-мулк хатловини амалга оширган давлат ижрочиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаров реестрига тегишли ёзувни киритиши лозим .

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 январдаги ЎРҚ-602-сонли “Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ куйидаги қонун ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган

1. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига асосан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олиш чоғидаги ипотека ва гаров тўғрисидаги шартномаларнинг нотариал тартибда тасдиқланиши мажбурийлиги бекор қилинган .

2. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни 64-моддасига мувофиқ бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспорт воситаларига нисбатан ипотека шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мол-мулкка тақик қўйиш ҳамда тақиқни ечишни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустақил равишда амалга ошириши белгиланган .

Гаров реестри сайтыга фойдаланувчи томонидан кириш

